

ЁШ АВЛОДНИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ ЖАРАЁНИДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Ахунوف Муҳаммадамин Абдуваситович

Андижон машинасозлик институти

“Иқтисодиёт” кафедраси доценти,

иқтисод фанлари номзоди,

E-mail: axunov@gmail.com

Аннотация: Мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда ёш авлодни замонавий билимларга эга бўлган рақобатбардош кадрлар қилиб шаклланишларида ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар таҳлил қилинган. Шу билан бирга мақолада аҳамиятга молик мулоҳазалар ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: Янги авлод, ахборот коммуникация технологиялари, ахборот асри, интернет, маҳалла, рақамли иқтисодиёт, корпоратив веб-сайт, телеграм бот, мобил илова

Янгиланаётган Ўзбекистонда олиб борилаётган инқилобий ислохотлар жараёнларида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш учун уларнинг ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш қобилиятларини ошириш куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб бормоқда. Ҳозирги кунда жамиятимиз тараққиётининг барча соҳалари замирида ахборот коммуникация технологиялари ётади. Бугунги кунда жамиятимизнинг қайси бир соҳасини олмайлик унинг ривожининг замирида ахборот-коммуникация технологиялари татбиқ қилинаётганини кўрамиз. Маҳаллалар, оилалар ёшлар тарбиясининг ўчоғи ҳисобланади. Ёшлар, асосан, шу жойларда тобланадилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” номли китобида “Биз ўз олдимизга Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, ... ислохотчи бўлиб майдонга чиқадиغان, стратегик фикр юритадиغان, билимли ва малакали янги авлод кадрларини тарбиялашимиз зарур” деб кўрсатилиб ўтилган [1-23 б.].

Бугунги кунда замонавий ахборот технологияларини таълим тизимида татбиқ этиш иқтисодий самара бериши билан бир қаторда, ўқув жараёнида янги ўқитиш услубларини қўллашга кенг имкониятлар очади. Таълим тизимида ахборот технологияларини қўллаш асосан, ахборот технологияларининг педагогик дастурий воситалари яратилиши билан боғлиқ. Ўқув материалларини образлар кўринишида тақдим этиш методикаси ёрдамида тингловчилар билим олиш жараёнининг ҳамма таркибий қисмларига у ёки бу тарзда таъсир этиш мумкин. Айниқса, бу ўринда тингловчиларни ўқув материалларини қабул қилиш, маъносини англаш, эса қолдириш, уларни такрорлаш каби жиҳатларини кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, бу услуб тингловчиларнинг ўқишга нисбатан эмоционал ёндашишини ривожлантиради ва уларни кўп вақт сарф қилмасдан ўқув материалларини ўзлаштиришига эришишни таъминлайди. Бу сифатларни анаънавий ўқитиш ва янги методика билан таққослаб кўрамиз. Анаънавий ўқитиш методикасида ўқув материаллари асосан матн ва формулалар кўринишида берилиб, ўқув материалларини

намойиш қилиш имконияти деярли мавжуд эмас. Бундай кўринишда берилаётган ўқув материалларини тингловчи томонидан ўзлаштириш асосан кетма-кет равишда амалга оширилади, шу сабабли уларни эса қолдириш ва ўзлаштириш жуда суст бўлади. Янги ўқитиш методикасида тингловчиларга берилаётган материалларни қайта кодлаштириш ва ўзларининг моделини яратиш масалалари юкланмайди. Бу ўқитиш методикасида ўқув материаллари матн ва формула кўриниши билан бир қаторда, образлар кўринишида ҳам тақдим этилади. Бу маънода ахборот технологиялари асосида ўқув материалларини образли кўринишда тақдим этишда уларга ҳар хил кўринишдаги ранглар, ҳаракат, овоз каби элементларни киритиш тингловчиларнинг ўқув материалларини қабул қилиш жараёни самарадорлигини ошириш билан бирга, берилаётган материалларни таҳлил қилиш, таққослаш ҳамда абстракциялаш каби муҳим сифатларни ривожлантиради. Ўқув материалларини образлар кўринишида тақдим этиш учун уларни ахборот технологияларидан фойдаланиб, электрон-дидактика асосида электрон қўлланма, дарслик, курс ва виртуал стенд кўринишида яратиш юқорида қўйилган масалаларни ижобий хал этишга олиб келади. Хориж ва ватанимиздаги ахборот технологияларнинг педагогик асослари буйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ахборот технологиялар электрон-дидактик (анимация) кўринишидаги функцияларга асосланиб улар:

- қулай кўринишда бўлган ўқув материалларини тушуниб етишга, берилган маълумотлар ҳақида тушунча ва тасаввур ҳосил қилади;
- кўп маълумотларни олиш, яъни маълумотларни тўғридан-тўғри олиш имконияти яратади;
- ўқув жараёнини енгиллаштиришга, яъни кам вақт сарф қилиб кўп маълумотларга эга бўлишга эришади;
- мослаштирувчанлигига, яъни ўқув жараёнини ташкил қилиш учун қулай бўлган анимацияларни кўрсатиш, мустақил ишлаш учун компьютер технологияларидан фойдаланиш ва гуруҳ-гуруҳ бўлиб билим олишни ташкиллаштириш масалаларининг ечиминитопишга қаратилганлигини ва уларда икки турдаги, яъни информацион ва педагогик ёндашишларни кўришдан иборатдир.

“Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонунининг 12-моддасида куйидагилар белгиланган: Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари: ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда иштирок этади; аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда иштирок этади; Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлашда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларда ҳам иштирок этиши мумкин. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноtijорат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ҳамда ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши мумкин [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ5938-сонли Фармонида “Фуқаролар йиғинларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда

соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш” белгиланган [3].

Таълим тизимида ахборот технологиядан фойдаланиш унинг янги соҳаси, яъни таълимнинг электрон дидактик шакли пайдо бўлишига асос солиб, унда ўқув фанларининг бобларини ажратиб, электрон кўринишда тасвирлаш, электрон таълим ресурсининг маъруза ва амалий дарслар қисмини уларнинг вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқиш, баҳолаш механизмини яратиш ва тадбиқ этиш, электрон қўлланмалар асосида виртуалликни яратиш ва ўқув жараёнига қўллаш, уларни қўллаш орқали ўқитишнинг умумий савиясини аниқлаш каби имкониятлар яратилиш. Кейинги йилларда мультимедия ҳужжатларини яратишга оид жуда ҳам кўплаб дастурий таъминотлар ишлаб чиқилган.

Шунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўз дарсларида ёш авлодга чуқур билим бериши учун ахборот ва педагогик технологиялар, инновацион методлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир. Шундагина дарслар ўтишда замонавий педагогик технологияларни қўллаш натижасида самарали натижаларга эришади.

Бугунги кунда таълимда инновацион технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилаётганининг асосий сабаби қуйидагилардир:

Биринчидан, инновацион технологияларда шахсни ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш имкониятининг кенглигида.

Иккинчидан, инновацион технологиялар ўқув-тарбия жараёнига тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий этиш имкониятини беради.

Учинчидан, инновацион технология ўқитувчини таълим-тарбия жараёнининг мақсадларидан бошлаб, ташхис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундайди.

Тўртинчидан, инновацион технология янги воситалар ва ахборот усулларини қўллашга асосланганлиги сабабли, уларнинг қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалга оширишни таъминлайди.

Бешинчидан ҳар қандай инновацион технологиянинг ўқув-тарбия жараёнида қўлланилиши шахсий ҳарактердан келиб чиққан ҳолда, болани ким ўқитаётганлиги ва ўқитувчи кимни тарбиялаётганига боғлиқ.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, бугунги кун баркамол авлод ёшларнинг тарбиялашда ахборот-коммуникация технологияларини ўрганиш етакчи ўринни эгаллайди. Яъни, бугунги куннинг замонавий малакали мутахассиси бўлиши учун замонавий билимдан орқада қолмаслигимиз кераклигини келажак авлод ёшлари онгига сингдиришимиз зарур бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т., “Ўзбекистон” нашриёти, 2021 й. 82-бет.
2. “Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида”. Тошкент ш., 2017 йил 7 сентябрь, ЎРҚ-443-сон
3. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ5938-сонли Фармони”. Тошкент ш., 2020 йил 18 февраль, ПФ-5938-сон.

4. Zamонавий taъlimda raqamli texnologiyalardan foydalaniш istiqbolлари.
Xashimova D.P., Parpiyeva P.A. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali.
№ 3, may-iyun, 2020 yil.

5. M.Axunov. Inson ehtiёjlari va ёшларнинг maъnaviy tarbiyasi. “Ilmiy
xabarнома” jurnali, №4, Andijon, 2013 yil.